Oʻzbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Ishtixon tumani
H O K I M I
QARORI

Р Е Ш Е Н И Е
Х О К И М А
Иштыханского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy
Tel.: (8-366) 629-15-10, faks (8-366) 629-11-54

140704, г.Иштыхан ул.Иштыханская д.4,
Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

20*18* у.г «*10*» *декабр* № *3346-б* Ishtixon sh.-г.Иштыхан

**Иштихон тумани “Дустлик” МФЙ ҳудудидаги “Қулчара-2” қишлоғида жойлашган туман ҳокимлиги заҳирасида бўлган ер майдонида электрон-онлайн аукцион ғолиби бўлган фуқаро Туракулов Отабек Мамасолиевичга “Мотел, овқатланиш жойи, санитария-гигена узели, савдо дўкони ва автокемпингларни ўз ичига олган туристик тўхташ маскани” бинолари қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июндаги “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга беришнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 493-сонли қарори ҳамда фуқаро Туракулов Отабек Мамасолиевичга 2018 йил 29 ноябрдаги аризасига асосан тумандаги “Дустлик” МФЙ ҳудудидаги “Қулчара-2”қишлоғида жойлашган туман ҳокимлиги заҳирасида бўлган ер майдонида электрон-онлайн аукцион ғолиби деб топилган фуқаро Туракулов Отабек Мамасолиевичга “Мотел, овқатланиш жойи, санитария-гигена узели, савдо дўкони ва автокемпингларни ўз ичига олган туристик тўхташ маскани” бинолари қурилиши учун қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ғолиблиги бўйича “Электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонасининг электрон-онлайн аукцион натижалари тўғрисидаги 2018 йил 23 октябрдаги № YU 0706-000003-сонли баённомаси, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддасига асосланган ҳолда,

**Қ А Р О Р  Қ И Л А М А Н:**

1. Тумандаги “Дустлик” МФЙ ҳудудидаги “Қулчара-2” қишлоғида жойлашган туман ҳокимлиги заҳирасида бўлган ер майдонида электрон-онлайн аукцион ғолиби деб топилган фуқаро Туракулов Отабек Мамасолиевичга “Мотел, овқатланиш жойи, санитария-гигена узели, савдо дўкони ва автокемпингларни ўз ичига олган туристик тўхташ маскани” бинолари қурилиши учун жами 0.35 гектар қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ғолиблиги бўйича “Электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонасининг электрон-онлайн аукцион натижалари тўғрисидаги 2018 йил 23 октябрдаги № YU 0706-000003-сонли баённомаси тасдиқлансин.

2. Тумандаги “Дустлик” МФЙ ҳудудидаги “Қулчара-2” қишлоғида жойлашган туман ҳокимлиги заҳирасида бўлган ер майдонида электрон-онлайн

аукцион ғолиби деб топилган Туракулов Отабек Мамасолиевич “Мотел, овқатланиш жойи, санитария-гигена узели, савдо дўкони ва автокемпингларни ўз ичига олган туристик тўхташ маскани” бинолари қурилиши учун жами 0.35 гектар қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони доимий фойдаланиш хуқуқи билан ажратиб берилсин.

3. Фуқаро Туракулов Отабек Мамасолиевичга

а) Самарқанд вилояти архитектура ва қурилиш Бош бошқармасидан архитектура режалаштириш топшириғининг (АРТ-1,2) қисмларини олсин;

б) Лойиҳа ҳужжатларини вилоят, туман мутахассислари тасдиғидан ўтказсин;

в) Лойиҳа хужжатларини экспертизадан ўтказсин;

г) Самарқанд вилояти Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекциясидан рухсат олсин;

д) Бино-иншоотларни қуриш ва фойдаланиш даврида архитектура, санитария ҳамда табиатни муҳофаза қилиш талабларига амал қилсин;

4. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36-модда, 6-бандига асосан белгилангандан бошқа мақсадларда фойдаланганда ер участкасига бўлган ҳуқуқи бекор қилиниши тўғрисида фуқаро Туракулов Отабек Мамасолиевич огоҳлантирилсин.

5. Фуқаро Туракулов Отабек Мамасолиевич қурилиш ишларини бошлашга мазкур қарорнинг 3-бандида кўрсатилган шартлар бажарилгандан сўнг рухсат этилсин.

6. Қурилиш ишлари тугагач, объектни туман қабул ҳайъатига топширсин.

7. Вилоят Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси туман филиалининг рўйхатдан ўтказиш бўлими томонидан ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказсин ҳамда фуқаро Туракулов Отабек Мамасолиевич ерга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилсин.

8. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Исламов зиммасига юклансин.

**Туман ҳокими** **Ш.Негматов**